

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

МУХАМАДИЕВА НИГИНА БАХОДИРОВНА

**РУҲИЙ БУЗИЛИШЛАРИ БЎЛГАН СОМАТИК КЛИНИКА
БЕМОРЛАРИНИ ТАШҲИСЛАШ, ОЛИБ БОРИШ ВА ДАВОЛАШ
МЕНЕЖМЕНТИ**

**14.00.05-Ички касалликлар
14.00.18-Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2024

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Мухамадиева Нигина Баходировна Рухий бузилишлари бўлган соматик клиника беморларини ташҳислаш, олиб бориш ва даволаш менежменти.....	3
Мухамадиева Нигина Баходировна Менежмент диагностика, ведения и терапии пациентов соматической клиники с психическими расстройствами	28
Muxamadiyeva Nigina Bahodirovna Management of diagnosis, conducting and therapy of patients in a somatic clinic with mental disorders	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	55

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

МУХАМАДИЕВА НИГИНА БАХОДИРОВА

**РУҲИЙ БУЗИЛИШЛАРИ БЎЛГАН СОМАТИК КЛИНИКА
БЕМОРЛАРИНИ ТАШҲИСЛАШ, ОЛИБ БОРИШ ВА ДАВОЛАШ
МЕНЕЖМЕНТИ**

**14.00.05-Ички касалликлар
14.00.18-Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2024

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.DSc/Tib895 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Жарилкасинова Гаухар Жанузаковна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Магзумова Шахноза Шахзадэевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Равшанбек Бабажонович
тиббиёт фанлари доктори, профессори

Алимов Улугбек Худоярович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Шерзод Сайдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Витебск давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.12.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «28» сентябрь соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200007, Бухоро, Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@bsmi.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200007, Бухоро, Гиждувон кўчаси, 23- уй.

Диссертация автореферати 2024 йил «15» октябрь кунни тарқатилди.
(2024 йил 14.06 даги рақамли реестр баённомаси)



[Handwritten signature]

Д.Т. Ходжаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги Бир марталик илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
доцент

[Handwritten signature]

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги Бир марталик илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, XXI аср бошидаги бутунжаҳон глобал тенденцияси сифатида психиатрия хизматларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, шифохонадан ташқари хизмат кўрсатиш шаклларига эътибор бериш, шифохона ўрнини босувчи моделларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш эътироф этилмоқда.¹ Жамоага йўналтирилган психиатрия ва руҳий беморларнинг психосоциал реабилитацияси фаол ривожланмоқда, уни амалга оширишга касбий ёндашув ва уни таъминлашнинг жамоавий шаклларида фойдаланган ҳолда психиатрия ёрдамнинг биопсихосоциал модели асосида эришиш мумкин. Ушбу даврда руҳий бузилишларни ташхислаш ва даволаш стандартларини, мутахассисларнинг касбий стандартларини ишлаб чиқиш, ногиронларни иш билан таъминлаш, ижтимоий йўналтирилган ёрдам турларини ташкил этиш, психиатрия ёрдами иқтисодиёти билан боғлиқ муаммоларга тегишли бўлган тиббий ёрдамни ташкил этиш бўйича масалалар даврий психиатрик адабиётларда тез-тез ёритилиб келинаётган масалалардан ҳисобланади.²

Жаҳон миқёсида, шунингдек, Европа Иттифоқида олиб борилган кенг кўламли тадқиқотларга кўра, "...аҳолининг умр бўйи руҳий бузилишлар билан касалланиш даражаси 38,2% ни ташкил қилади. Улардан энг кенг тарқалган бузилишлар: хавотирли бузилишлар (14,0%), уйқусизлик (7,0%), катта депрессия (6,9%), соматоформ бузилишлар (6,3%) ва руҳий фаол моддаларга қарамлик (4% дан ортиқ). Соғлиқни сақлаш хизматида муурожаат қилган одамлар орасида руҳий бузилишларнинг тарқалиши янада юқори..."³.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Шундай қилиб, 2022-2026-йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ "...ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг тўлақонли ҳаёт кечиршини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари ҳал этилмоқда".⁴ Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда аҳоли ўртасида руҳий бузилишларнинг олдини олиш, хавф омилларини барвақт аниқлаш, ёндош касалликларни бартараф этиш, руҳий бузилишларни самарали ҳамда эрта аниқлаш ва тўғри даволашни такомиллаштириш, касаллик

¹ WHO: Comprehensive Mental Health Action Plan 2013-2030

² Тер-Исраелян А.Ю., Евдокимова Т.Е., Коровяков А.В. Некоторые организационно-социологические аспекты совершенствования оказания психиатрической помощи больным // Вестник последипломного медицинского образования. – 2020. – № 2. – С. 37-43.

³ The World Bank. The Global Burden of Disease: Europe and Central Asia Regional Edition. Seattle: IHME; 2019.

⁴ 2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2022 йил, 28 январ. ПФ-60-сон. www.lex.uz.

асоратларини камайтириш, аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш, профилактика ва реабилитация чора-тадбирларини янада такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Умумий соматик тиббий муассасаларда руҳий беморлар сонининг сезиларли даражада кўпайиши ушбу популяцияга ихтисослаштирилган ёрдам тизимини яратишнинг долзарблигини кўрсатади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.03.2018 йилдаги “Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3606-сон Фармонида белгиланган вазифаларни маълум даражада бажаради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлик хизматини 2019-2025 йилларда ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва 2023 йил 19 июндаги ПҚ-196-сон “Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи⁵. Психосоматик бузилишлар, соматик касалликлар асосида ривожланган руҳий бузилишлари мавжуд беморларни ташҳислаш ҳамда интеграциялашган ёндашув асосида даволашни замонавий жиҳатларини асослашга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Psychosomatic Medicine Service Stanford University (АҚШ), The University of Michigan (АҚШ), University of Oxford (Буюк Британия), Karolinska Institutet (Швеция), University of Zurich (Швейцария), University of Heidelberg (Германия), University of Toronto (Канада), National University of Singapore (Сингапур), The University of Melbourne (Австралия), Katholieke Universiteit Leuven (Бельгия), Н.П. Бехтерева номидаги “Инсон мияси институти” (Россия), С.Д. Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон), Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

⁵ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.stanford.edu, www.umich.edu, www.ox.ac.uk, www.ki.se, www.uzh.ch/de, www.uni-heidelberg.de/en, www.utoronto.ca, www.nus.edu.sg, www.unimelb.edu.au, www.kuleuven.be, <https://ihb.spb.ru>, zkmu.kz, www.bsmu.by, www.bsmi.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Дунё миқёсида олиб борилаётган кенг эпидемиологик тадқиқотлар (STAR*D) натижаларида тиббиёт амалиётида руҳий бузилишлари бўлган беморларнинг юқори кўрсаткичи кўрсатилган, хусусан, амбулатор беморларнинг 45,2% ва касалхонага ётқизилган беморларнинг 48,3%ида белгиланган (National Institute of Mental Health (NIMH), 2015). Айниқса депрессив бузилишлар аҳоли орасида кенг тарқалган. Чунончи, 2015 йилда АҚШда катта ёшдаги аҳолининг 6,7% ўтган йил давомида камида битта депрессив эпизод билан касалланган. Бу умумий тиббиёт амалиётида беморларда аффектив спектрдаги бузилишлар ривожланиши эҳтимоллиги ошишини белгилайди. Худудий шифокор-терапевтга мурожаат қилган ҳар уч кишидан бири олдинги 12 ой ичида клиник жиҳатдан аниқланган руҳий бузилишга дучор бўлган (National Institute of Mental Health, 2017). Шу билан бирга, депрессияга учраган беморларнинг 90%ига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш тизимида тиббий ёрдам кўрсатилади ва уларнинг атиги 10%и психиатр томонидан даволанади.

2019 йилда сайёраамиздаги ҳар саккизинчи одам, яъни жами 970 миллион киши руҳий бузилишдан азият чеккан, бунда хавотирли ва депрессив бузилишлар энг кўп учраган (Institute of Health Metrics and Evaluation. Global Health Data Exchange (GHDx), 2022). Covid-19 пандемияси даврида хавотир ва депрессив бузилишлардан азият чекадиган одамлар сони сезиларли даражада ошди. Дастлабки маълумотларга кўра, фақатгина бир йил ичида хавотирланиш ва жиддий депрессив бузилишларнинг тарқалиши мос равишда 26% ва 28% га ошган (Mental Health and Covid-19: Early evidence of the pandemic's impact. Geneva: World Health Organization; 2022). Самарали профилактика ва даволаш усуллари мавжудлигига қарамасдан, руҳий бузилишларга чалинган одамларнинг кўпчилиги самарали тиббий ёрдам олиш имкониятига эга эмас. Кўпчилик беморлар стигма, дискриминация ва инсон ҳуқуқлари бузилишига ҳам дуч келади. ЖССТнинг 2013-2030 йилларда руҳий саломатлик бўйича комплекс ҳаракатлар режасида бутун инсоният саломатлигига эришишда руҳий саломатликнинг муҳим роли белгиланган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда олиб борилган эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли популяциялар ўртасида невротик касалликлар 5-20% ҳолларда (кенг камровли текширувда) содир бўлади, бу ушбу патология билан тиббий муассасаларда рўйхатга олинган беморлар сонидан бир неча мартаба кўпдир. Rodrigo A, Foo L, Majoor J. маълумотларига кўра (2013), критик бузилишларни аниқлашда умумий амалиёт шифокорларининг иштироки юқори – 60%гача беморлар клиника шифокорининг йўналиши бўйича шошилиш шифохонага ётқизилади. Ушбу маълумотлар умумий амалиёт шифокорларининг руҳий саломатлик муаммоларини эрта ташҳислаш учун чегара сифатида муҳимлигини таъкидлайди. Шундай қилиб, S. Gottlieb et al.нинг тадқиқотида (2014) депрессияни аниқлаш даражаси 48%ни ташкил этди, депрессия кўпроқ ёш

беморларда (65 ёшгача) ва аёлларда қайд этилган. Мавжуд натижаларнинг қарама-қарши табиатига қарамай, сурункали қон айланиш етишмовчилиги билан оғриган беморларда, айниқса, юрак-қон томир патологиясининг асоратланмаган шакллари бўлган беморлар билан солиштирганда, рухий бузилишлар бўйича тадқиқотлар етарли эмас. "Синапс" кўп марказли тадқиқоти, хусусан, А.В.Андрющенко (2015) тадқиқоти кардиологик профилга эга стационар беморларда, хусусан юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларнинг 14,3%ида рухий, шу жумладан депрессив касалликларнинг юқори частотаси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатади. Жаҳонда тиббий тадқиқотлар тизимли таҳлилни кўриб чиқиш, хусусан, мета-таҳлил (2019) Европа мамлакатлари ва АҚШда умумий амалиёт шифокорлари кўпинча хавотирли ва депрессив бузилишлардан азият чекадиган беморларга дуч келишини кўрсатади. Худди шундай манзара бошқа мамлакатларда ҳам кузатилмоқда (Charlson, F., van Ommeren, M., Flaxman, A., Cornett, J., Whiteford, H., & Saxena, S., 2019).

Психосоматик концепцияга нафақат тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб қилиниши ошмоқда, балки бир қатор ташкилий фаолият билан боғлиқ бўлган амалда самарали қўлланилиши аниқланган. Биринчи навбатда, соматик патологиялари бўлган беморларга ихтисослаштирилган (психиатрик) ёрдамни оптималлаштириш моделларини яратиш ҳақида таъкидлаш мумкин. Замонавий талабларга жавоб берадиган консультатив психиатрия ёрдамини ташкил этиш, психосоматика соҳасида фаолият юритадиган психиатрларни тайёрлаш, шунингдек, бошқа мутахассислар учун клиник психиатрия ва психофармакологик терапия бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Умумий соматик касалликларга чалинган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этишдаги қийинчиликлар соматик муассасалар шифокорлари ва психиатрия клиникалари, диспансерлари мутахассислари ўртасидаги чекланган профессионал алоқалар, шунингдек, аҳоли ўртасида психиатрияга нисбатан салбий, ишончсиз муносабат, ва энг аввало стигматизация билан боғлиқ (Смулевич А.Б., 2016; Мазо Г.Э., Незнанов Н.Г., 2019; Петрова Н.Н., 2019).

Мамлакатимиз олимларининг илмий ишларида соматик патология ва психосоматик касалликлар ўртасидаги боғлиқлик таъкидлаб ўтилган. Хусусан, психопатологик бузилишлар ва гипертензия ўртасидаги боғлиқликларни ўрганишга қаратилган тадқиқот ишида хавотир ва психопатологик ҳолатлар юрак-қон томир касалликлари учун бевосита хавф омиллари ҳисобланиши тасвирланган. Ушбу психофункционал бузилишлар гипертензиядан ўлим сонини ва коронар артерия касалликларини кўпайтиради. Хавотирли бузилишлар соматик патологиянинг прогнозини ёмонлаштиргани сабабли бу бузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш муҳим. Кардиология амалиёти шуни кўрсатдики, беморларда хавотир даражаси ошган сайин юрак-қон томир касалликлари ва тўсатдан ўлим хавфи ортади (Махкамова Н.У., 2019). Шунингдек бронхиал астма ва носпецифик ичак синдроми патогенезининг

замирида психосоматик ҳолатнинг бузилиши сабаб-оқибатни қўзғатувчи омил эканлиги қайд этилган (Абдуллаева Д.Т., 2022). Бошқа илмий ишда психосоматик касалликларга чалинган беморларда ҳиссий ҳолатларнинг турли хил бузилишларни, уларнинг касалликнинг оғирлиги ва салбий оқибатларидаги ролини тавсифлайди. Таъкидланишича, юрак-қон томир касалликлари, қандли диабет, ошқозон-ичак тракти касалликлари каби соматик касалликлар кўпинча ҳиссий бузилишлар билан "ниқобланади" ва аксинча, ҳиссий доирадаги бузилишлар беморнинг тўлиқ тикланиш йўлида тўсқинлик қилади. Бундай ҳолларда психосоматик касалхонада психопрофилактикага, шунингдек, ушбу бузилишларни даволашга ёрдам берадиган психологик хизматни ташкил этиш тавсия этилади (Нарметова Й.К., 2022).

Олиб борилган тадқиқотларга қарамадан, хусусан хорижда ва Ўзбекистонда ҳам умумий соматик тармоқдаги руҳий бузилишларни ташҳислаш ва даволаш муаммоси ҳамон сақланиб қолмоқда. Шунга кўра, соматик беморнинг руҳий ҳолатида бузилишлар мавжудлигини аниқлашга имкон берадиган комплекс текшириш усуллари такомиллаштириш ушбу патологияни эрта аниқлашга ёрдам берди ва янги диагностик имкониятларни очди. Бу масалага қаратилган изланишларни давом эттириш катта амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (01.2022DSc.152) “Covid-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Интеграл соҳалараро ёндашув ва менежмент алгоритмларини ишлаб чиқиш орқали соматик касалхонадаги беморларда руҳий бузилишларнинг клиник кўриниши, динамикаси, уларни аниқлашнинг ҳамда бу тоифадаги беморларни олиб боришнинг хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқот вазифалари:

соматик касалхонадаги беморларда руҳий бузилишларнинг клиник кўриниши ва динамикасини таҳлил қилиш;

ушбу тоифадаги беморларга ёрдам кўрсатишга интеграциялашган соҳалараро ёндашувни ишлаб чиқиш орқали соматик беморларда руҳий бузилишларни аниқлаш ва уларни олиб бориш хусусиятларини ўрганиш;

соматик касалхонага ётқизилган беморларда руҳий бузилишларнинг ривожланишига туртки бўлувчи омилларни аниқлаш;

бирламчи тиббий ёрдам бўғинида руҳий бузилишлар диагностикасини оптималлаштириш усуллари ишлаб чиқиш;

соматик касалхонадаги беморларда руҳий бузилишларни ташҳислаш ва даволаш тамойиллар дастурини ишлаб чиқиш;

тиббий ёрдам кўрсатишни қуйидаги йўллар орқали яхшилаш: а) соматик стационар беморларида руҳий бузилишларни аниқлаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш; б) соматик шифохона мутахассислари учун ишлаб чиқилган усулларни ўргатиш орқали кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлигини баҳолаш;

тавсия этилган тамойиллар дастури ва ёрдам кўрсатишга интеграциялашган соҳалараро ёндашув усулларидадан фойдаланган ҳолда руҳий бузилишлари бўлган соматик шифохона беморларига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш босқичларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти 2021-2023 йилларда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига ётқизилган беморлар бўлиб, 2211 нафар беморни қамраб олган. Ушбу мақсадга эришиш учун ушбу гуруҳдан соматик патология фонида ривожланган руҳий бузилишларга чалинган беморлар танланган. Беморларнинг умумий сонининг 48,2%ида (1066 нафар) психопатологик бузилишлар аниқланган бўлиб, улар тадқиқотнинг асосий гуруҳини ташкил этди. Ушбу гуруҳ 8 тоифадаги патологиялари бўлган беморлардан тузилган (Халқаро касалликлар таснифи, ХКТ-10 бўйича): К00-93, I00-99, J00-99, M00-99, E00-90, D50-89, G00-99, H00-99. Беморлар ҳолатини текширув вақтида ҳамда соматик шифохонадан чиққандан кейин 3 ой ва 1 йил муддат ўтгач клиник ва динамик кузатув орқали назорат қилиш амалга оширилган.

Тадқиқот предмети сифатида соматик клиникадаги беморларда юзага келадиган руҳий бузилишларнинг клиник хусусиятлари, тарқалиши, соматик патология фонида руҳий бузилишларнинг пайдо бўлиши ва кечиши учун конституциявий-биологик, психологик ва тиббий-ижтимоий хавф омиллари белгиланган қаратилган клиник-динамик, патофизиологик текширув материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда клиник-патофизиологик, клиник-катамнестик, экспериментал-психологик - (психопатологик симптомларнинг даражаси бўйича клиник сўров) - қайта кўриб чиқилган SCL-90-R; хавотир ва депрессия госпитал шкаласи; вазиятга шахсий муносабатнинг табиатини аниқлаш учун шахсни клиник типологик баҳолашда Мини-мульти – ММРІнинг қисқартирилган варианты; SF-12 ҳаёт сифати сўровномаси ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали касалликлар мавжуд беморларда соматик психоз ривожланишига олиб келувчи хавф омиллари орасида конституциявий-биологик, психологик ва ижтимоий омилларнинг аҳамияти юқори эканлиги асосланган;

психосоматик касалликларнинг клиник предикторлари ва сомато-психик статусдаги ўзгаришларни кўп ўлчовли статистик аналитик мезонлар билан баҳолаш асосида улар орасида корреляция борлиги исботланган;

тиббиётнинг бирламчи бўғини ва соматик шифохоналарда психосоматик бузилишлар ривожланган беморни эрта ташхислаш, адекват кузатиш ва даво самарадорлиги назоратини таъминлайдиган дастур яратилган;

соматик патологияларнинг клиник кечишига ментал ва бихевиорал омилларнинг таъсир қилиш механизмларининг аниқланиши натижасида психофармакологик коррекцияда тимоаналептик, анксиолитик терапия даво тактикаси асосланган;

аҳоли орасида кенг тарқалган сурункали касалликлар мавжуд беморларда психосоматик ҳолатда мультирационал психофармакокоррекцияни танлаш тамойиллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижалари куйидагиларга имкон берди:

соматик беморларда руҳий бузилишлар ривожланишига ёрдам берувчи омиллар аниқланган;

соматик патологияси бўлган беморларда руҳий бузилишларнинг шаклланишида конституциявий-биологик, психологик ва ижтимоий омилларнинг роли баҳоланган;

беморларнинг ушбу тоифасига комплекс тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарали босқичларидан фойдаланган ҳолда соматик шифохонада беморларни бошқаришга соҳалараро ёндашувни тавсия этиш, амбулатор ва стационар шароитларда соматик касалликлар фонида руҳий бузилишларни эрта ташхислаш ва сифатли даволаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш босқичлари тавсия этилган;

руҳий бузилишлар билан оғриган соматик беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг ишлаб чиқилган модели бўйича терапевтик ва диагностик тадбирларини ўтказишнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник-патофизиологик ва статистик тадқиқот усуллари асосланганлиги, ташхислаш ва даволаш тактикасини ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажриба билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижанинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар соматик патологияси бўлган беморларда руҳий бузилишларни ўз вақтида аниқлаш имконини берди. Руҳий бузилишларни шакллантириш учун хавф омилларини ўрганиш беморларга терапевтик ва профилактик ёрдам кўрсатишни яхшилаш учун

асосдир. Соматик патология фонида психосоматик бузилишларнинг шаклланишида клиник, конституциявий-биологик, ижтимоий-психологик омилларнинг ролини ўрганиш соматик беморларда рухий бузилишларнинг тарқалишини камайтириш учун профилактика чораларини ишлаб чиқишга ёрдам берди. Тадқиқот натижалари психосоматик бузилишлар билан оғриган беморларни бошқаришда клиник ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда узлуксизлик орқали касаллик кечишини сифатли ва мақсадли мониторинг қилиш ҳамда тизимли парвариш-даволашни етарли даражада танлашга ёрдам берди.

Олинган маълумотлар рухий бузилишлар билан оғриган соматик беморларни даволаш ва реабилитация чораларини яхшилаш имконини берди, бу психиатрлар ва интернистлар томонидан ёрдам кўрсатишни оптималлаштиришга, шунингдек, ушбу тоифадаги беморларда рухий бузилишларнинг олдини олишга ёрдам берди. Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижаларидан тиббиёт олий ўқув юртларида, олий таълимдан кейинги таълим тизимида интернистларни, психиатрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий тадқиқот натижалари асосида рухий бузилишлари бўлган соматик беморларга комплекс тиббий ёрдам кўрсатиш моделини ишлаб чиқиш:

«Соматик касалликлар асосида ривожланган рухий бузилишларни ташҳислаш усулларини такомиллаштириш» услубий тавсияномаси (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 25.06.22 й.да 8н-р/ 828-сон маълумотномаси), «Критерии оценки психических расстройств в практике врача-интерниста» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги 25.06.22 й.да 8н-р/ 829-сон маълумотномаси). Ушбу кўрсатмалар психосоматик касалликларнинг сабабларини аниқлаш, диагностика қилиш ва олдини олиш учун комплекс ёндашувдан фойдаланишга ҳамда рухий бузилишларни соматик патологиялар фонида ташҳислаш самарадорлигини ошириш, даволаш вақтини қисқартириш, ташрифлар ва қайта касалхонага ётқизишлар сонини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот ишлари Бухоро втлоятининг Жондор туман тиббиёт бирлашмаси ва Шофиркон туман тиббиёт бирлашмаси, Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази тиббий муассасалари амалиётига тадбиқ этилган (Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг 12.02.2024 й.да 24-х/021-сон хулосаси). Тадқиқот натижалари дастлабки босқичларда соматик касалликларда рухий бузилишларни ташҳислаш, прогнозлаш ва замонавий дифференциал даволаш вақтини қисқартириш, шунингдек, асосий касалликнинг кучайиши ва психосоматик касалликлар сурункалашувининг олдини олиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: соматик касалликлар билан оғриган беморларда психосоматик бузилишлар ривожланишини клиник-патофизиологик усуллар ёрдамида эрта

аниқлаш касалликнинг субклиник босқичларида ташҳислаш ҳамда соҳалараро мультидисциплинар терапевтик ёндашув натижасида беморларнинг амбулатор муурожаатлари қисқариши ва стационар даволаниш кунларининг қисқариши ҳисобидан ҳар 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 1 290 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. *Хулоса:* соматик касалликлар асосида ривожланган руҳий бузилишлар ривожланишини касалликнинг эрта босқичларида ташҳислаш ҳамда интеграциялашган ёндашув орқали беморларни олиб бориш натижасида сарфланадиган амбулатор ва стационар харажатлардан ҳар 1 нафар бемор учун бюджет ҳисобидан 758 000 сўм, бюджетдан ташқари маблағларни 432 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Олиб борилган тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 187 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, илмий янгилиги аниқланган, тадқиқотнинг республика фанининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва нашр этиш, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Замонавий психосоматик тиббиёт муаммолари”** биринчи бобида руҳий бузилишлар ва соматик касалликларнинг коморбидлик муаммолари, соматик патологияда руҳий бузилишларнинг ривожланиши, беморларга ёрдам кўрсатишнинг диагностик жиҳатлари, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ёки тушунтиришни талаб қиладиган томонлари баён этилган.

Диссертациянинг **“Материаллар ва тадқиқот усуллари”** иккинчи бобида материаллар ва тадқиқот усуллари тавсифи берилган. Клиник тадқиқотлар Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази базасида 2021-2023 йиллар давомида ўтказилди. Сўровда 1066 бемор, шу жумладан 8 та профил

гуруҳини ташкил этган соматик ташҳиси бўлган 515 (48,3%) эркак ва 551 (51,7%) аёл (18-75 ёш ва ундан катта) беморлар иштирок этди.

Тадқиқот услубларига қуйидагилар киради: клиник-психопатологик, руҳий патология диагностикаси, унинг тузилиши (синдромлари) ва динамикасини аниқлаш, клиник-анамнестик, экспериментал-психологик (психопатологик симптомларнинг даражаси бўйича клиник сўров) - қайта кўриб чиқилган - SCL-90-R; госпитал хавотир ва депрессия шкаласи (HADS); вазиятга шахсий муносабатнинг табиатини аниқлаш учун шахсни клиник типологик баҳолаш учун ММРІнинг мини-мулт - қисқартирилган варианты; SF-12 сўровномаси ва статистик тадқиқот усуллари.

Диссертациянинг учинчи боби "**Соматик патологияларда руҳий бузилишларнинг таҳлили**"да соматик патологиянинг тузилиши таҳлили, соматик касалликларга чалинган беморларда руҳий бузилишларнинг тарқалиши келтирилган, шунингдек, соматик шифохона мутахассислари томонидан руҳий бузилишларни аниқланиши баҳоланган.

Тадқиқот давомида текширилган беморлар (ХКТ-10 бўйича) тадқиқотимизнинг профилли гуруҳларига ажратилган (1-жадвал).

ХТК (ҳазм қилиш аъзолари касалликлари) гуруҳи - 133 та кузатувни ўз ичига олган. Ушбу гуруҳ умумий гуруҳнинг 12,5% ни ташкил этди. ҚАТК (қон айланиш тизими касалликлари) гуруҳи - 103 та кузатув (умумий гуруҳнинг 9,7%), юрак-қон томир тизими касалликлари билан оғриган беморларни ўз ичига олган.

1-жадвал.


Тадқиқот умумий гуруҳи тузилиши

Бемор сони		Умумий гуруҳ, n = 1066								Жами
		ХТК	ҚАТК	НТК	Т-ХТК	ЭТК	ҚТК	АТК	ЖТК	
жам	Абс.	133	103	117	115	108	79	178	233	1066
и	%	12,5	9,7	11,0	10,8	10,1	7,4	16,7	21,8	100

Нафас олиш тизими касалликлари (НТК) гуруҳи - 117 та кузатув (жами гуруҳнинг 11%), нафас олиш тизими касалликлари билан оғриган беморларни ўз ичига олган. Т-ХТК гуруҳи (таянч-ҳаракат тизими касалликлари) - 115 та кузатувни ўз ичига олган. Ушбу гуруҳ умумий гуруҳнинг 10,8% ни ташкил этди. Эндокрин тизим касалликлари (ЭТК) гуруҳи - 108 та кузатув, эндокрин тизим касалликлари билан оғриган беморларни ўз ичига олган, бу умумий гуруҳнинг 1/10 қисмини (10,1%) ташкил этди. ҚТК (қон тизими касалликлари) гуруҳи - 79 та кузатув (умумий гуруҳнинг 7,4%), қон ва гематопоестик тизим касалликлари билан оғриган беморларни ўз ичига олган. АТК (асаб тизими касалликлари) гуруҳи - 178 та кузатув (умумий гуруҳнинг 16,7%), асаб тизими касалликлари билан оғриган беморларни ўз ичига олган. ЖТК (жинсий-сийдик айириш

тизими касалликлари) гуруҳи - 233 та кузатувни ўз ичига олган. Бу гуруҳ умумий гуруҳнинг 1/5 дан кўпроғини ташкил этди (21,8%), чунки гуруҳ урологик ва гинекологик патологиялари бўлган беморлардан тузилган.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, умумий гуруҳда (ХКТ-10 мезонлари бўйича) ипохондрик бузилишлар (F45) - 28,9%, аффектив патология (F30-F39) - 21,8%, когнитив бузилишлар (F06,8) - 21,4 % кузатилган. Шу билан бирга, адаптация бузилишлари ва невротик касалликларга мос келадиган тоифанинг тарқалиши 10,9% ни, шунингдек психопатсимон бузилишлар (F60, F68) 11,2% ни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Умумий гуруҳда руҳий бузилишлар спектри (ХКТ-10 бўйича)

Соматик патологиянинг иштироки билан ривожланадиган руҳий бузилишлар мажмуасига ҳозирги касаллик доирасида бошланган турли хил соматоген/соматоформ синдромлар (аффектив, неврозсимон, васвасали бузилишлар, психоорганик синдром, соматоформ дисфункция, соматик ваҳима хужумлари, оғир конверсив бузилишлар ва бошқалар) киради. Шуни таъкидлаш керакки, соматик патологиялар доирасидаги руҳий бузилишлар кўшма шаклларда эди. Ушбу бузилишларнинг ўткирлик даражаси турлича бўлиб, баъзиларида маълум бир синдромга хос бўлган облигат белгилар, бошқалари эса оралик, ўтиш характерига эга эди (2-жадвал).

2-жадвал.

Соматик беморларда интернистлар томонидан аниқланган психопатологик симптом комплекслари


Психопатологик сииндром	Умумий гуруҳ n=1066			
	Бемор стационарга тушган вақтда		Бўлимда беморни динамик кузатуви давомида	
	Абс.	%	Абс.	%
Астено-депрессив	14	1,3	27	2,5
Астено-невротик	21	1,9	69	6,5

Хавотирли-депрессив	7	0,6	45	4,2
Деменция	-	-	34	3,2
Жами	42	3,9	144	16,4

Жадвал натижаларига кўра, соматик шифохона шифокорлари, динамик кузатув пайтида, фақат 1/6 ҳолларда маълум руҳий бузилишларни ташҳислашга эришган . Юқоридаги бузилишлар ҳар доим ХКТ-10 диагностик мезонларига жавоб бермаган. Йўлдош ташҳислар орасида доминант бўлганлар: турли хил вариантдаги астено-невротик синдром (9%), хавотир-депрессив (4,5%), кейинги ўринни демент синдром (3,2%) эгаллади.

Психосоматик бузилишлар пайдо бўлишида маълум клиник белгиларнинг аҳамияти даражасини аниқлаш учун қуйидаги параметрлар ўрганилди: беморнинг соғлиқни сақлаш муассасаларига ва/ёки бошқа муассасаларга олдинги ташрифлари, соматик касаллик билан биргаликда ташҳис қўйиш ва даволаш самарадорлиги. психопатологик бузилиш, беморнинг соматик клиникага бирламчи ёки такрорий ётқизилиши...

Текширувдан ўтган беморларнинг тахминан 32,3% тасдиқланган соматик ташҳис билан соматик касалхонага биринчи мартаба ётқизилган, қолган беморларда соматик касаллик ҳолати такроран қайд этилган (2-расм).




2-расм. Текширилаётган беморлар орасида бирламчи/такрорий касалхонага ётқизиш кўрсаткичлари. Ишончлилик даражаси $p < 0,001$

Олдинги соматик касаллик психосоматик бузилишлар ривожланиши учун аниқ хавф омилidir, шунинг учун психопатологик аломатлари бўлган беморлар орасида ўртача такрорий соматик касалликларга чалинган беморлар 2,2 баравар кўп ($p < 0,001$).

Тахмин қилиш мумкинки, такрорий соматик касаллик психосоматик бузилиш (ПСБ) билан касалланиш даражасига, ҳам унинг оғирлигига ва касалликнинг узоқ давом этадиган тури шаклланишига таъсир қилади.

Беморнинг соматик шифохонага ётқизилишигача олиб борилган даво чоралари натижалари ҳам таҳлил қилинди (3-расм).



3-расм. Тадқиқот гуруҳидаги беморларнинг дастлабки қабул қилган даво муолажалари ва уларнинг самарадорлиги

Расмда кўрсатилган кўрсаткичлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда беморлар қабул қилинган даволаш чораларидан етарли натижа олинмаган. Антидепрессантлар (энг кўп кузатиладиган тавсиялар: амитриптилин, миртазапин, флуоксетин) (23,9%), турли фармакологик гуруҳлар вакиллари бўлган седатив воситалар (седавит, персен, сомнол, барбовал, новопассит...) (23,9%), рефлексотерапия, мануал терапия, физиотерапия, ТМС (транскраниал магнитли стимуляция), психотерапия кўринишидаги номедикаментоз усуллар (19,5%) қўлланилишига нисбатан беморларнинг ижобий фикрлари олинган.

"Соматик тармоқдаги руҳий бузилишларни ташҳислаш ва даволаш тамойиллари" тўртинчи бобда ҳар бир профил гуруҳидаги руҳий бузилишларнинг тузилишини таҳлил қилиш, соматик клиникадаги беморларда психопатологик бузилишлар динамикаси, умумий гуруҳда руҳий бузилишларни этиопатогенетик кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Психопатологик синдромларни таҳлил қилишда клиник тадқиқотларда тавсия этилган ушбу синдромларнинг тизимини тасдиқловчи бузилишлар аниқланди. Депрессив бузилиш 4 та полисиндромнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, касалликнинг клиник кўринишида депрессив эпизоднинг мавжудлиги бемор учун салбий, ёқимсиз тусдаги кўплаб ҳиссий шикоятларга олиб келди (3-жадвал).

Астено-депрессив синдром соматик патология клиникасида барча гуруҳларда (17,4%) мавжуд эди. ХТК ва ҚТК гуруҳлари нисбатан юқори кўрсаткичларга эга (мос равишда 35,3% ва 26,6%). Хавотирли-депрессив синдром нисбатан юқори кўрсаткичларга эга (19%). Ушбу синдром барча гуруҳларда ташҳис кўйилган, бироқ энг юқори кўрсаткичлар ҚАТК, Т-ХТК, НТК ва АТК гуруҳларида қайд этилган (мос равишда 27,2%, 32,2%, 24,1%, 22,0%). Хавотирли-фобик бузилиш 11,6% ҳолларда кузатиладиган ва бу симптом

мажмуаси ЭТК гуруҳидан ташқари деярли барча тадқиқот гуруҳларида кузатилган. Хавотирли-фобик синдромнинг клиник белгилари НТК, ҚТК ва АТК гуруҳларида нисбатан тез-тез кузатилган (мос равишда 23,2%, 25,3% ва 21,3%).

3-жадвал.

Умумий гуруҳда руҳий бузилишларнинг клиник вариантлари

Руҳий бузилиш синдромлари		Профил гуруҳлари								
		ХТК n=133	ҚАТК n=103	НТК n=117	Т-ХТК n=115	ЭТК n=108	ҚТК n=79	АТК n=178	ЖТК =233	Жами n=1066
Астено-депрессив	Абс.	47	17	21	19	4	21	29	38	186
	%	35,3	16,6	17,9	16,5	3,7	26,6	16,3	16,3	17,4
Хавотир-депрессив	Абс.	7	28	9	37	20	19	39	44	203
	%	5,3	27,2	7,7	32,2	18,5	24,1	22,0	18,9	19,0
Хавотир-фобик	Абс.	11	19	27	18	-	20	38	27	160
	%	8,3	18,4	23,2	15,7	-	25,3	21,3	11,6	15,0
Депрессив ипохондрик	Абс.	28	6	4	13	-	-	8	15	74
	%	21,1	5,8	3,4	11,3	-	-	4,5	6,4	6,9
Психопатсимон	Абс.	12	-	18	8	18	12	10	33	111
	%	9,0	-	15,4	6,9	16,7	15,2	5,6	14,2	10,4
Конверсион/истерик	Абс.	16	-	21	5	-	-	-	14	56
	%	12,0	-	17,9	4,4	-	-	-	6,0	5,3
Психоорганик синдром	Абс.	12	8	17	15	32	7	38	27	166
	%	9,0	7,8	14,5	13,0	29,6	8,8	21,3	11,6	15,6
«Эйфорик псевдодеменция» синдроми	Абс.	-	9	-	-	13	-	-	31	53
	%	-	8,7	-	-	12,0	-	-	13,3	5,0
Васвасали бузилиш	Абс.	-	16	-	-	21	-	16	4	57
	%	-	15,5	-	-	19,5	-	9,0	1,7	5,4

Кейинги гуруҳ депрессив-ипохондрик касалликлардан иборат (6,9%). Ипохондрия билан депрессия белгилари ЭТК гуруҳидан ташқари деярли барча тадқиқот гуруҳларида кузатилган. Бошқа гуруҳлардан фарқли ўлароқ, ХТК гуруҳи бу соҳада юқори баллга эга (21,1%). Психопатсимон синдром 10,4% ҳолларда кузатилган. Ушбу реестрдаги руҳий бузилишлар ҚАТК гуруҳидан ташқари барча профил гуруҳларида аниқланган. Айниқса, НТК, ЭТК, ҚТК ва ЖТК гуруҳлари беморларнинг бошқа гуруҳларига қараганда сезиларли кўрсаткичларга эга эди (мос равишда 15,4%, 16,7%, 15,2% ва 14,2%).

Текширилган шахсларнинг 5,3%ида конверсия/истерик синдром ташҳиси кўйилган. Конверсия бузилишлари фақат 4 гуруҳда аниқланди - ХТК, НТК, Т-ХТК ва ЖТК, нисбатан паст кўрсаткичларга эга (мос равишда 12,0%, 17,9%, 4,4% ва 6,0%). Текширилганларнинг 1/6 қисмидан кўпроғида (15,6%) етакчи симптомлар мажмуаси барча профил гуруҳларида ташҳисланган психоорганик синдром бўлиб чиқди. Бироқ, ушбу тоифанинг ярмидан кўпи ЭТК ва АТК профил гуруҳларидан иборат (мос равишда 29,6% ва 21,3%). Ушбу гуруҳнинг клиник кўриниши когнитив функцияларнинг, шунингдек, ҳиссий-иродавий соҳанинг бузилиши билан боғлиқ бир қатор бузилишларни ўз ичига олади. Интеллектуал фаолиятнинг бузилиши куйидаги кўринишларга эга эди: унинг умумий маҳсулдорлигининг пасайиши, маълум когнитив функцияларнинг бузилиши - хотира, эътибор, фикрлаш. "Эйфорик псевдоменция" синдроми психопатологик касалликларнинг кичик қисмини (жами 5%) ташкил этди. Фақат баъзи гуруҳларда ушбу психопатологик бузилишлар кузатилди - ҚАТК, ЭТК ва ЖТК (мос равишда 8,7%, 12,0% ва 13,3%). Бунда фаол хулқ-атвор, ҳаддан ташқари ҳаракатчанлик хос эди. Васвасали бузилиш кам ҳолларда кузатилди (5,4%). Бундай ҳолда, клиник кўринишда ипохондрия элементлари мавжуд бўлиб, редукцияланишга мойил эмас эди. Бу синдром ҚАТК, ЭТК, АТК ва ЖТК нинг профилли гуруҳларида кузатилган (мос равишда 15,5%, 19,5%, 9,0% ва 1,7%).

4-жадвал.

Психопатологик синдромларнинг профилли гуруҳлар структураси билан ўзаро корреляцион таҳлили

Рухий синдромлар	ХТК n=133	ҚАТК n=103	НТК n=117	Т-ХТК n=115	ЭТК n=108	ҚТК n=79	АТК n=178	ЖТК n=233
Хавотирли-депрессив	0,10	0,86*	0,36	0,19	0,35	0,13	0,16	0,10
Хавотирли-фобик	0,31*	0,09	0,38*	0,06	-	0,46*	0,39	0,93*
Депрессив-ипохондрик	0,09	0,03	0,32	0,41*	-	-	0,43*	0,55*
Психопатсимон	0,03	-	0,50	0,08	0,06	0,02	0,03	0,25
Конверсион	0,23	-	0,58*	0,6*	-			0,14
Психоорганик синдром	0,13	0,32	0,15	0,06	0,72*	0,22	0,75*	0,39
«Эйфорик псевдодеменция» синдроми	-	0,16	-	-	0,27	-	-	0,60*
Васвасали бузилиш	-	0,29	-	-	0,64*	-	0,42*	0,02

Изоҳ: * ишончлилик даражаси $p < 0,05$

Соматик касалликлар таркибида психопатологик синдромларнинг шаклланиши ва намоён бўлиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун профил гуруҳларида корреляция таҳлили ўтказилди (4-жадвал). Жадвалдаги

маълумотларни таҳлил қилганда, баъзи бир мунтазамлик билан соматик ва рухий патологиянинг намоён бўлиши ўртасидаги корреляция натижалари олинган. Барча ўрганилган гуруҳлар ишончли муҳим кўрсаткичларга эга эмас эди. Бироқ, барча тоифаларда соматик патология ва рухий бузилишлар ўртасида бир нечта тўғридан-тўғри корреляциялар аниқланди, бу икки соҳанинг (сома ва психика) параллеллигини яна бир бор тасдиқлайди. Ҳар бир профил гуруҳи ишончлилик даражаси билан бир нечта ишончли корреляцияга эга ($p < 0,05$).

Беморларнинг ҳолатини янада динамик равишда ўрганиш учун текширилган беморларнинг касалхонадан чиққандан 3 ойдан кейин соматик ва рухий ҳолати таҳлил қилинди. Маълум бўлишича, бемор шифохонадан чиқарилгандан кейин 3 ой ўтгач, беморларнинг тадқиқот гуруҳида психопатологик синдромларнинг клиник кўринишида баъзи ўзгаришлар қайд этилган. Фақат 36,7% (391 кузатиш)да маълум психопатологик синдромларни кўрсатадиган элементлар қайд этилмаган.

Умумий гуруҳдаги беморларда рухий бузилишларни синдромли баҳолаш шуни кўрсатадики, асосий синдромлар орасида энг кўп учрайдиган астеник бузилишлар (24,8%) - астено-депрессив, астено-ипохондрик, астенофобик синдромлар. Структурада депрессив бузилишлар мавжудлиги билан полисиндромларнинг ўзгаришини таъкидлаш муҳимдир. Шу билан бирга, ушбу синдромларнинг клиник кўриниши, хусусан, депрессив-фобик, депрессив-ипохондрик синдром, астеник симптомлар мажмуаси билан бошқа тоифага ўтди. Бу ҳолат бир қатор клиник белгиларни ўз ичига олади - заифлик, летаргия, чарчоқ, тез жисмоний чарчоқ, қобилиятсизлик ҳисси, энергияни йўқотиш ҳисси, фаолликка импульсларнинг заифлашиши ва заифлашиши, фаолликнинг пасайиши, бу бошқа психопатологик касалликлар билан биргаликда. бузилишлар, беморнинг ижтимоий-психологик фаолияти учун ноқулай фонни ташкил этди. Иккинчи энг кенг тарқалган синдром неврозсимон синдром (17,4%). Қизиқарли факт шундаки, неврозсимон синдром дастлаб беморларнинг умумий тадқиқот гуруҳида ташҳис қўйилмаган. Ушбу синдромнинг клиник кўриниши соматовегетатив белгилар билан обсессив, компульсив ва конверсия бузилишларидан иборат эди. Камдан-кам ҳолларда асосийлари турли даржадаги психоорганик синдром (8,3%) ва васвасали синдром (1,3%) эди.

Маълумотларни таҳлил қилишда баъзи бир мунтазамлик билан соматик ва рухий патологиянинг намоён бўлиши ўртасидаги боғлиқлик натижалари олинди. Барча ўрганилган гуруҳлар ишончли муҳим кўрсаткичларга эга эмас эди. Бироқ, барча тоифаларда соматик патология ва рухий бузилишлар ўртасида 1-2 та тўғридан-тўғри боғлиқлик олинган, бу беморларнинг соматик ва рухий ҳолатининг ўзаро таъсирини яна бир бор тасдиқлайди. Ҳар бир профил гуруҳи ишончлилик даражаси билан бир нечта ишончли корреляцион боғлиқликка эга эди ($p < 0,05$). Шунини таъкидлаш керакки, текширув вақтида профил гуруҳларида баъзи психопатологик синдромларнинг шаклланиши аниқланмаган. Аммо динамик кузатув давомида дастлаб шаклланмаган баъзи синдромларнинг

аниқланиши, шунингдек, клиник кўринишнинг ўзгариши билан бир қатор психопатологик синдромларнинг ўзгариши қайд этилди. Ва энг муҳими шундаки, барча профил гуруҳларида, ҳатто кучсиз корреляция билан ҳам психопатологик синдромларнинг барча тоифалари аниқланган.

Ушбу мақсадга эришишнинг кейинги босқичи касалхонадан чиққандан кейин 12 ой ичида соматик патология таркибида психопатологик шароитларнинг кейинги ўзгаришини ўрганиш эди.

